ОБЛАСТИМИЗ МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ЗАФАРИ

„Зангори кема“ларда 250.000 тонна пахта терилди

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 204 (4920).

16 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1973 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИГА ОФАРИН!

Беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида областимизда пахтачиликни, айниқса йиғимтерим ишларини комплекс механизациялашда катта ишлар қилинмоқда. Жуда кўп колхоз ва совхозлар бу йил асосий ҳосилни машиналар билан териб олишга қарор қилганлар.

Машина билан кўп ва тоза пахта теришда Оққўрғон, Юқори Чирчиқ, Бекобод районларининг шонли механизаторлари ташаббускор бўлмоқдалар.

Машиналарни унумли ва тўхтовсиз ишлатишда машҳур механизатор Турсуной Охунова, Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усеинов, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Қидирбой Мавлонов, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоздан Сарвар Шохбозов, Пискент районидаги Калинин номли колхозидан Абдат Султонмуродов, Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозидан Назар Эсонов, Пискент районидаги «Гулистон» колхозидан Назар Холмирзаев ва бошқа фидокор, ғайратли, меҳнатсевар механизаторлар шижоат кўрсатиб ишламоқдалар.

Областимиз механизаторлари машиналардан тўла ва унумли фойдаланиб шу кунгача «пўлат этак»лар билан 250.000 тоннадан ортиқ пахта териб, бу соҳадаги халқ хўжалик планини бажардилар. Улар машиналарни янада яхшироқ ишлатиб, пахта тайёрлаш суръатини кучайтиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 56 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиги!

2. Яшасин жаҳон тарихида янги давр — дунёни революцион янгилаш, капитализмдан социализмга ўтиш даврини очиб берган Улуғ Октябрь!

3. Яшасин абадий барҳаёт революцион интернационал таълимот, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун кураш байроғи — марксизм-ленинизм!

4. Коммунистлар! КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашининг олдинги сафида борингиз, оммаанинг актив ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлингиз!

5. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш учун актив курашингиз!

6. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилини муносиб равишда тугаллаймиз! Тўққизинчи беш йиллик планини муваффақиятли бажариш йўлидаги умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдирайлик!

7. Коммунизм бинокори — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

8. Яшасин коммунизм қурилишидаги етакчи куч — Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи!

9. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчиси — шонли колхозчи-деҳқонлар!

10. Яшасин коммунизмнинг актив қурувчиси — совет халқ зиёлилари!

11. Яшасин ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонларнинг иттифоқи! Совет жамиятининг бузилмас ғоявий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланаверсин!

12. Яшасин КПСС ленинча миллий сиёсатининг буюк ғалабаси — СССР халқларининг интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

13. Яшасин ишчилар синфининг, бутун совет халқининг синалган авангарди — Совет Иттифоқи коммунистик партияси!

14. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари Советлари! Социалистик демократия ривожланиб, мустаҳкамланаверсин, Советлар депутатларининг активлиги ошаверсин, давлатни бошқаришда меҳнаткашларнинг иштироки кенгаяверсин!

15. Совет касаба союзлари! Социалистик мусобақани ташкил этишни яхшиланг ва унинг таъсирчанлигини оширинг! Ишлаб чиқаришни бошқаришга меҳнаткашларни кенгроқ жалб этингиз!

Яшасин коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

16. Йигит ва қизлар! Марксизм-ленинизм таълимотини, фан, техника ва маданият ютуқларини қунт билан эгаллангиз! КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун актив курашчилар бўлингиз!

17. Яшасин коммунизм ёш бинокорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

18. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари — совет хотин-қизлари!

19. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак кўрсаткичларга эришингиз, совет халқининг тинч меҳнатини сергаклик билан қўриқлангиз!

Яшасин социалистик Ватаннинг ишончли қалқони — СССР нинг Қаҳрамон Қуролли Кучлари!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ватан қудратининг ва халқ фаровонлигини ўстиришнинг негизи бўлган социалистик экономикани янада юксалтириш учун сабот билан курашингиз!

21. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Юксак меҳнат унумдорлигига ва ишлаб чиқариш самарадорлигига эришингиз, иқтисодий тежашга қаттиқ амал қилингиз, камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот беришга интилингиз!

22. Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли равишда бажарган саноат, қурилиш ва транспорт ишчиларига, новаторларга ва илғорларга шон-шарафлар!

23. Саноат ходимлари! Мамлакатнинг индустрия қудратини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун курашингиз! Янги қувватларни тезроқ ўзлаштиришга, техника тараққиётини жадаллаштиришга эришингиз!

Янги техника ва илғор технологияга — кенг йўл!

24. Саноат ходимлари! Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва уларнинг турларини янгилангиз, сифатини яхшиланг ва таннархини камайтирингиз!

25. Қурилиш ходимлари! Янги объектларни ўз вақтида ишга туширишга қунт билан ҳаракат қилингиз! Қурилиш сифатини ошириш ва таннархни камайтириш учун курашингиз!

26. Транспорт ва алоқа ходимлари! Транспорт ва алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Халқ хўжалигига хизмат қилишни ҳар томонлама яхшиланг, совет кишиларининг эҳтиёжларини тўлароқ қондирингиз!

27. Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш соҳасидаги юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини ўзларининг фидокорона меҳнати билан таъминлаган колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларининг ходимларига, барча кишиларга шон ва шарафлар!

28. Колхоз ва совхозларнинг меҳнатчилари! Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш соҳасидаги планлар ва социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун курашингиз!

Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, кўкламги экишга намунали тайёргарлик кўриш ва 1974 йилда мўл ҳосил олиш учун мусобақани кенг қулоч ёйдирингиз!

29. Колхозчилар ва совхозларнинг ходимлари! Ердан, техникадан, меҳнат ва моддий ресурслардан ишнинг кўзини билиб фойдаланингиз! Барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширингиз, маҳсулот етиштиришни кўпайтирингиз, унинг таннархини пасайтирингиз!

30. Саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари! Колхозлар билан совхозларнинг моддий техника базасини мустаҳкамлангиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини электрлаштириш, комплекс механизациялаш ва химиялаш, ерларни мелиорациялаш сурьатларини жадаллаштирингиз!

31. Савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ва коммунал хўжалик ходимлари! Совет кишиларига хизмат қилиш маданиятини оширингиз, уларнинг талаб эҳтиёжларини тўлароқ ва яхшироқ қондирингиз!

32. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун курашингиз!

Меҳнат интизомини ва уюшқоқликни оширингиз!

Жамоат мулкини мукаддас билиб асрангиз ва кўпайтирингиз!

33. Халқ хўжалиги ходимлари! Иқтисодий билимларни, хўжалик юритиш ва бошқаришнинг замонавий методларини қунт билан эгалланг! Меҳнатни илмий ташкил этиш, илғор тажрибани, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга активроқ жорий қилингиз!

34. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир кишини коммунистик руҳда тарбиялашда, унинг меҳнат ва жамоат активлигини янада ривожлантиришда меҳнат коллективларининг роҳини ҳар томонлама оширингиз!

35. Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ихтирочилари ва рационализаторлари! Фан-техника тараққиётини ҳар томонлама жадаллаштиринг, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлангиз! Замонавий фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига тезроқ жорий этишга эришингиз!

36. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчиллиги байроғини баланд кўтаринг, бадиий маҳоратни такомиллаштирингиз, бутун қобилиятингизни коммунизм бинокорларини тарбиялашга сарфлангиз!

37. Олий ва ўрта мактаб ходимлари! Таълим сифатини ҳар томонлама оширингиз, халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни такомиллаштирингиз! Ёш авлодни коммунистик ахлоқ руҳида, ўқишга ва меҳнатга онгли муносабат руҳида тарбиялангиз!

38. Соғлиқни сақлаш ва физкультура ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшиланг, физкультурани совет кишиларининг кундалик ҳаётига активроқ сингдиринг!

39. Революция, уруш ва меҳнат ветеранлари! Узингизнинг бой тажрибангизни ёшларга ўргатингиз, ёш авлодни совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялашда актив қатнашингиз!

40. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини астойдил севингиз, уруш ва ўқинг, меҳнат малакаларини эгалланг! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

41. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар марксчи-ленинчи авангарди — империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун матонатли курашчилар — коммунистик ва ишчи партияларига қардошлик саломи!

42. Бутун дунё коммунистларининг марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми муқаддас негизидаги бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

43. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

44. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи! Халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси, империализмга қарши курашда ҳал қилувчи куч, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт таянчи бўлган жаҳон социализм системаси ривожланиб, мустаҳкамланаверсин!

45. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Яшасин социалистик халқлар ҳамдўстлиги ва бирлиги! Социализм мамлакатларининг қардошларча ҳамкорлиги мустаҳкамланиб равнақ топаверсин! Социализм душманларининг кирдикорларига қарши ҳушёр бўлиб турингиз!

Социалистик интернационализм байроғини баланд кўтарайлик!

46. Капиталистик мамлакатларда барча меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини қаттиқ туриб фидокорона ҳимоя қилаётган, тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган ишчилар синфига қардошлик саломи!

47. Мустамлака асорати кишанларини улоқтириб ташлаб, ўз мамлакатларининг мустақиллиги ва социал тараққиётини мустаҳкамлаш учун курашаётган халқларга қизғин салом!

48. Мустамлака ва қарам мамлакатларнинг империализмга ва иркчиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқларига қизғин салом!

49. Революцион кучлар — жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар ҳаракати, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун курашчиларнинг қудратли иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

50. Халқларнинг озодлиги учун, социализм учун курашиб, турмаларда ва фашизм зиндонларида азоб тортаётган мардона курашчиларга қардошлик саломи!

Капитал тутқунларига озодлик!

51. Империалистик агрессия кучлари устидан тарихий ғалаба қозонган қаҳрамон Вьетнам халқига қардошлик саломи!

Яшасин Совет — Вьетнам дўстлиги!

Ҳинди-Хитойнинг барча халқларига тинчлик, озодлик ва мустақиллик!

52. Реакцион-фашист кучларининг террорига қарши мардона кураш олиб бораётган Чили ишчилар синфига, меҳнаткашларига ва барча демократларига қардошлик саломи!

Жаҳон халқлари! Чили ватанпарварлари билан бирдамликни мустаҳкамлангиз!

53. Жаҳон халқлари! Исроилнинг Араб давлатларига қарши агрессияси тўхтатилишини, Исроил агрессори босиб олган ҳамма араб ерлари озод этилишини, Яқин Шарқнинг ҳамма давлатлари ва халқлари учун мустаҳкам тинчлик ўрнатилишини талаб қилингиз! Адолатли кураш олиб бораётган араб халқлари билан бирдамлик кенгайиб, мустаҳкамланаверсин!

54. Ўз ерларини Исроил агрессорларидан озод қилиш учун адолатли кураш олиб бораётган Араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

Совет ва араб халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланиб, ривожланаверсин!

55. Европа мамлакатларининг халқлари! Европа қитъасини мустаҳкам тинчлик, хавфсизлик ва давлатлар ўртасида самарали ҳамкорлик районига айлантириш учун курашингиз! Халқаро кескинликни юмшатиш душманлари бўлган реакция ва реваншизм кучларининг кирдикорларини фош қилингиз!

56. Осиё мамлакатларининг халқлари! Давлатлар ўртасида тинчлик, ҳамкорликни ва яхши кўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш учун, Осиёда коллектив хавфсизлик учун курашингиз!

57. Жаҳон халқлари! Халқаро кескинликнинг юмшатилиши муқаррар тус олиши учун курашингиз, тинч-тотув яшаш принципларини турли социал тузумдаги давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабат нормасига айлантиришга эришингиз!

58. Жаҳон халқлари! Куч ишлатмаслик халқаро муносабатларининг қонуни бўлиб қолишига, ядро қуроли эса абадий тақиқланишига эришингиз! Батамом ва ялпи қуролсизланиш учун, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашингиз!

59. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — халқлар тинчлиги ва дўстлиги сиёсати, империализмга, реакция ва урушга қарши курашаётган ҳамма кучларни жипслаштириш сиёсати!

КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан тинчлик программасининг ғоялари тантана қилаверсин!

60. Улуғ Ватанимиз — — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамланиб, равнақ топаверсин!

61. Марксизм-ленинизм байроғи остида, коммунистик партия раҳбарлигида — коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВГА

Азиз Леонид Ильич!

Бугун биз, Узбекистоннинг ёш маккажўхорикорлари «оҳанрабо дон»дан юқори ҳосил олиш учун бошланган социалистик мусобақага якун ясаш учун яна ўз слётимизга тўпландик.

Совет Узбекистонининг барча комсомоллари, йигит ва қизлари номидан Сизга, азиз Леонид Ильич, партиямизнинг Марказий Комитетига оталарча ғамхўрлик ва эътибор учун чин юрагидан фарзандлик миннатдорчилигимизни, социалистик Ватанга қизғин муҳаббат ва садоқат сўзларимизни йўллаймиз.

Бизнинг бутун орзуларимиз ва интилишимиз ягона мақсадга — ленинча ишлаш, ўқиш ва яшашга қаратилган. Комсомол учун партия топшириқларини бажаришдан юксак шараф йўқдир.

Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида Узбекистонимизда партия ташкилоти раҳбарлигида маккажўхори донидан юқори ҳосил олиш учун оммавий ҳаракат авж олиб кетди, бу ҳаракатда Сизнинг, азиз Леонид Ильич, ёш маккажўхорикорлар республика кенгашига йўллаган табрик хатингиз кудратли омил бўлди. Биз бу табрикни комсомол билети билан бирга сақламоқдамиз. Уни партиянинг Узбекистон комсомолига жанговар топшириғи сифатида ёдлаб биламиз.

«Маккажўхори сугориладиган деҳқончилик шароитида Сизнинг ёш қўлларингизда дон етиштиришнинг йирик резерви бўлиб қолиши мумкин» — Сизнинг бу сўзларингиз қишлоқ ёшларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди. Сиз, Леонид Ильич, бизга маккажўхоликни комсомол оталигига олишни топширдингиз ва бизнинг ҳар гектар ердан 60 центнердан дон етиштириш ва йиғиб олишдан иборат интилишимизни маъқуллардингиз. Республиканинг комсомол далаларида 1224 комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилди. Сизга шуни хабар қиламизки, маккажўхорини йиғиб олиш тўла-тўкис тугалланди. 300 минг тонна маккажўхори дони олинди.

Бироқ биз ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини эътироф этамиз, ҳосилдорлик бўйича олдимизга қўйган мақсадга эришолмадик — ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 57 центнердан маккажўхори дони олдик. Шунга қарамай, бир йил ичида ҳосилдорлик икки баравар ошди, дон етиштириш эса 3,4 баравар кўпайди. Давлатга 70 минг тонна дон сотилди.

Лекин бизнинг илғор бригадаларимиз моҳир, чаққон қўлларда сугориладиган гектар қандай улкан имкониятларга эга эканлигини исбот қилдилар. Бизда юксак дон ҳосили учун курашда ёш маккажўхорикорларнинг ажойиб кадрлари етишиб чиқди. Андижон ва Наманган областларининг ёш маккажўхорикорлари энг юксак кўрсаткичларга эришдилар. Улар ҳар гектар ердан 70-80 центнердан дон олиб, олинган маҳсулотларни муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида республикада биринчи бўлиб рапорт бердилар. Андижон областидан Лутфиддин Сайфиддинов, Қашқадарё областидан Ҳуррам Бобоев, Сурхондарё областидан Теша Ҳолмуродов, Сирдарё областидан Рўзиқул Абдалиев, Наманган областидан Исроил Машарипов ва бошқа кўпгина илғор ёшлар ҳар гектар ердан 100 ва ундан ҳам кўп центнердан дон ҳосили олдилар. Узбекистон комсомоли уларнинг мисолида ёшларни меҳнатга муҳаббат ва ҳурмат, олинган социалистик мажбуриятларни бажариш учун юксак масъулият ҳиссиси руҳида тарбиялашда. Республика колхозлари ва совхозлари етарли миқдорда уруғлик жамғариб, концентрациялашган ем запасларини анча кўпайтирдилар.

Биз дастлабки якунларни чиқариб ва натижаларга танқидий кўз билан қараб, зиммамизга қуйидаги янги социалистик мажбуриятларни оламиз:

Маккажўхори майдонини 130 минг гектарга етказамиз. Маккажўхори далаларида икки мингдан зиёд комсомол-ёшлар коллективи ҳар гектар ердан 70-80 центнердан дон олиш учун комсомолларнинг ҳаракатини авж олдирадилар. Бу 1 миллион тонна маккажўхори дони етиштириш имконини беради.

1974 йил — Узбекистон ССР ва республика Коммунистик партиясининг олтин юбилейи йилидир. Серқуёш ўлкамизнинг ёшлари Узбекистон ҳақли равишда «оқ олтин» республикаси деб аталиши билан бирга, юқори ҳосилли «оҳанрабо дони» ўлкаси деб ҳам аталиши учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Сиз, азиз Леонид Ильич, Узбекистонга топширган Халқлар дўстлиги ордени бизни янги қаҳрамонликлар ва жасоратларга илҳомлантирди.

Бугун кечагидан яхшироқ меҳнат қилишга, эртага бугунгидан кўра кўпроқ фойда келтиришга даъват этди. КПСС Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан Сизни, азиз Леонид Ильич, ишонтириб айтамизки, Узбекисто-ч комсомоллари, унинг барча ёшлари янада эўр ғайрат билан ва астойдил бўлиб ўқишни ва меҳнат қилишни давом эттирадилар, СССР халқларининг порлоқ, мусаффо ва олмосдек мустаҳкам дўстлиги, севикли Ватанимизнинг қудрати ва шон-шуҳрати бундан буён ҳам мустаҳкамланиши учун бутун кучимизни сарфлаймиз!

УЗБЕКИСТОН ЁШ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ РЕСПУБЛИКА СЛЁТИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ.

ЁШ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРНИНГ МУНОСИБ ТУҲФАСИ

Республика комсомоллари маккажўхори дони етиштиришни оталиққа олиб, шу кузгда тоғ-тоғ «олтин сўталар» хирмонини ҳосил қилдилар. Узбекистон йигит ва қизлари мўл ҳосил етиштиришга енг шимарган баҳор фаслида конкрет марраларни белгилаб олиш учун Тошкентга тўпланган эдилар. Ушанда ёш маккажўхорикорларнинг республика кенгаши номига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежнев самимий табрикнома йўллади. Ундаги самимий сўзлардан руҳланган ёш маккажўхорикорлар гектар бошига 60 центнер ва ундан кўпроқ дон олишга қарор бердилар.

Мана бугун республика ёшлари ўз сўзлари билан ишлари бир эканлиги тўғрисида партияга, халққа, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга қувонч билан рапорт бердилар. 1224 комсомол-ёшлар бригадаси 300 минг тоннадан кўпроқ маккажўхори дони йиғиштириб олди.

Ёш деҳқонлар салмоқли сўта йўлида олиб борилган кураш якунларини чиқариш, келгуси йил марраларини белгилаб олиш учун 13 октябрь куни Тошкентга, ёш маккажўхорикорларнинг республика слётига тўпландилар. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залига ўтган мавсум қаҳрамонлари, механизаторлар келишди.

Илғор маккажўхорикорлар, олимлар, партия, совет ва комсомол ходимлари, министрликлар ва идораларнинг, қишлоқ хўжалик маданиятсозлиги корхоналарининг вакиллари президиумга чиқиб ўтирадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, И. Г. Анисимкин, И. Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаховов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Ҳўжаев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Г. А. Габриельянц президиум столи ёнидан жой оладилар.

Слётда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. У Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ёш маккажўхорикорларни меҳнат шижоати билан самимий табриклади, уларни янги-янги зафарларга эришишга чақирди.

Мўл маккажўхори ҳосили учун зўр меҳнат жўшқинлиги билан олиб борилган кураш тўғрисида, «оҳанрабо дон» етиштириш рекордчилари ҳақида Узбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов гапириб берди.

Слётда ВЛКСМ Марказий Комитетидан анжуман номига келган табрикнома ўқиб эшиттирилди.

Азамат маккажўхорикорлардан бири — Андижондаги «Савай» совхози комсомол-ёшлар бригадасининг раҳбари Лутфиддин Сайфиддинов нутқини слёт қатнашчилари самимий кутиб олдилар. У бошчилик қилган коллектив мўл ҳосил олди: деҳқонлар гектар бошига 120 центнер дон топширдилар.

Маккажўхорикорлар слёти тажриба алмашишнинг ўзига хос минбарига айланди. Маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш, ўртача ҳосилдорликни гектар бошига 70-80 центнерга етказиш учун ҳамма имкониятлар борлигини слёт қатнашчилари таъкидлаб ўтишди.

Слёт қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Слёт республиканинг барча ёш маккажўхорикорларига мурожаат қабул қилди.

Комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида 1973 йилги социалистик мусобақа ғолибларига Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрликларининг, Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи республика комитетининг кўчма Қизил байроқлари топширилди.

(УзТАГ).

РЕСПУБЛИКА ЁШ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИ СЛЁТИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА МАККАЖЎХОРИКОРЛАРГА

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Биз, ёш маккажўхорикорларнинг республика слёти қатнашчилари шахсан Леонид Ильич Брежневга хат ёзилаб, шуни хурсандчилик билан маълум қилдикки, 51 минг гектар ерга маккажўхори уруғи экиб, 300 минг тонна дон етиштирдик. Бу ўтган йилдагига нисбатан уч баравар кўпдир.

Ўзбекистонда «оҳанрабо дон»дан биринчи марта шундай юқори ҳосил олинди. Леонид Ильич Брежневнинг бизга кўрсатган йўл-йўриқлари, республика партия ташкилотининг доимий ёрдами туфайли бунга муваффақ бўлдик. Улкан дон хирмони учун курашда ажойиб ёш маккажўхорикор кадрлар етишиб чиқди. Айниқса, Андижон ва Наманган областлари йигит-қизлари бу соҳада ўзларини кўрсатдилар. Улар ҳар гектар ердан 70—80 центнердан дон хирмони кўтардилар. Республикада биринчи бўлиб социалистик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Андижон областида ВЛКСМ «Фахрий нишони» кавалери Лутфиддин Сайфиддинов, Қашқадарё областида Ҳуррам Бобоев, Сурхондарё областида Теша Холмуродов, Сирдарё областида Рўзиқул Абдалиев, Наманган областида Исроил Машарипов ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ҳар гектар ердан 100 центнердан ва ундан ҳам ошириб дон етиштирдилар. Колхоз ва совхозлар эса ўзларига етарли уруғлик ва чорва озуқаси жамғардилар. Лекин биз эришилган муваффақиятлар билан кифояланиб қолмаймиз. Ўзбекистон Ватан пахтачилигининг асосий базасигина бўлиб қолмай, балки улкан дон хазинаси ҳам бўлиб қолиши учун ҳамма ишни қиламиз.

Ҳар биримиз ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг табрик хатидаги: «Суғориладиган деҳқончилик шароитида сизларнинг навқирон қўлларингиз билан етиштирилган маккажўхори дон етиштиришни кўпайтиришнинг катта резерви бўлиб қолиши мумкин», деган сўзларини ҳамиша эсда тутамиз.

Бу йил ўтган йилдагидан анча кўп ҳосил етиштирилди. Гектар бошига республика бўйича 57 центнердан дон йиғиштириб олинди. Бу албатта кўзланган маррадагидан анча кам. Шунинг учун тағин ҳам яхшироқ, тағин ҳам самаралироқ меҳнат қилишимиз лозим.

1974 йил Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг олтин юбилей йили. Шу йили комсомолга В. И. Ленин номи берилганлигининг 50 йиллиги нишонланади. Комсомол аввалгидек бу экинни ўз оталиғига олиб, тарихий саналарга муносиб совға тайёрлайди. Янги социалистик мажбурият қабул қилади. Биз ўз ишимизни таҳлилий баҳолаб, донга экиладиган маккажўхори майдонларини 130 минг гектарга етказамиз. Бу бизга 1 миллион тонна дон етиштириш имкониятини беради. 2 мингдан ортиқ комсомол-ёшлар бригадаларида гектаридан 70-80 центнердан дон тортиш учун курашамиз. Бунинг учун юзлаб илғор коллективларнинг тажрибалари, 100 центнерчилар марраси бизга илҳомбахш омил бўлади. Бизнинг бурчимиз — илғор тажрибаларни кенг ёйиш, бу тажрибаларнинг ҳамманинг мулки бўлиб қолишига эришишдан иборат.

Биз сизларга, юқори ҳосил усталарига, мурожаат қилиб айтамизки, ёш маккажўхорикорларга мураббийлик қилингиз, ўз маҳорат ва миришкорлигингиз сирларини ўргатингиз. Сиз яшаб турган районда, областда бирорта ҳам қолоқ коллектив бўлмаслигига эришингиз.

Бизга республиканинг олтин фонди бўлган суғориладиган майдонлар ишониб топширилган. Яхши биламизки, ерга фарзандларча муносабатда бўлган кишига у ўз эҳсонини аямайди. Ҳар биримизнинг бурчимиз ҳар гектар ер, ҳар қарич майдоннинг кўп, сифатли маҳсулот беришига эришишдан, тупроқ унумдорлигини ошириш йўлларини қидириб топишдан иборат.

Биз республика маккажўхорикорларини деҳқончилик маданиятини ошириш учун мусобақани авж олдиришга, меҳнатнинг илғор усуллари ва прогрессив агротехниканинг пропагандистлари бўлишга даъват этамиз.

Қишлоқ хўжалик мутахассислари, илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларининг ходимлари, сизларга мурожаат қиламиз. Комсомол ёшлар бригадалари билан алоқани янада мустаҳкамлайлик. Далаларимизда илмий-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий қилайлик.

Мўл ҳосил турли касбдаги минглаб кишиларнинг фидокорона меҳнатлари натижасидир. Химия ва машинасозлик саноатининг ходимлари, машиналарнинг конструкторлари, биз сизларга мурожаат қиламиз: сизлардан йил сайин кўпроқ ўғит, юқори унумли техника кутамиз.

Қадрли ўртоқлар!

Олдимизда катта вазифалар турибди. Бирор кунни ҳам зое кетказмасдан келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратайлик. Техникани ремонт қилиш, ерни экишга тайёрлаш, шўр ювиш, далага маҳаллий ўғит чиқариш, суғориш тармоқларини тозалаш ва тартибга келтириш лозим. Курслар ва семинарларда ва илғор тажриба мактабларида маҳорат ва малакамизни оширайлик. Бир сўз билан айтганда, беш йилликнинг тўртинчи йили экиш мавсумини ҳар томонлама шай ҳолда кутиб олиш учун барча чораларни кўрайлик.

Ўртоқлар!

Республикамизнинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланиши, унинг шахсан қадрли Леонид Ильич Брежнев томонидан топширилиши қалбларимизни қувонч ва ифтихор туйғуларига тўлдирди, янги меҳнат зафарларига руҳлантирди. Биз КПСС Марказий Комитетини, шахсан қадрли Леонид Ильични ишонтириб айтамизки, Ўзбекистон ёш маккажўхорикорлари партия топшириғини бажариш учун астойдил курашадилар. Бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўра яхшироқ ва фойдалироқ меҳнат қилиш учун шижоат кўрсатадилар.

Биз республикамизнинг ҳар бир ёш маккажўхорикорига даъват қилиб айтамизки, партия топшириғини, КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшамиз.

Ўртоқлар, мўл маккажўхори дони учун курашга!

ЁШ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА СЛЁТИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

1973 йил 13 октябрь.

БИРИНЧИ МАРРАГА ЭРИШИЛДИ

Андижон областининг пахтакорлари • КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини ҳамда мамлакат пахтакор республикалари партия-хўжалик активининг йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев қўйган вазифаларни амалга ошира бориб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини барвақт, 14 октябрда, 39 иш кунидо бажардилар.

Ватан Андижон областининг 510 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин»ни олди. Гектар бошига 28 центнердан пахта етиштирилди.

Область деҳқонларининг фидокорона меҳнати, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг пахтачиликни ривожлантириш тўғрисида доимий ғамхўрлиги ва катта ёрдами, партия, совет, касаба союз, комсомол органлари ташкилотчилик ва сиёсий ишларни моҳирона уюштирганликлари, ҳосил йиғим-терим ишлари юксак даражада ташкил этилганлиги туфайли ана шу ғалабага эришилди.

Ленин, Избоскан, Пахтаобод, Хўжаобод, Марҳамат, Жалолқудуқ ва Ўртатепа районларининг пахтакорлари областнинг муваффақиятига каттагина ҳисса қўшдилар. 85 колхоз ва совхоз, 1155 бригада планни муваффақиятли бажарди. Ленин номидаги «Правда Востока», «Коммунизм» колхозлари, Избоскан районидаги К. Маркс номли ва «Партия XX съезди» колхозлари шулар жумласидан бўлиб, гектар бошига 38—40 центнердан хирмон кўтардилар.

Механизаторлар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Далаларда 2300 та пахта терим машинаси ишлаб, уларнинг ҳар бири 100 тоннадан пахта терди. Машина терими плани 10 октябрда бажарилди. Машиналарда 260 минг тонна—ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 100 минг тонна кўп пахта терилди. Механик-ҳайдовчилардан Обиджон Акбаров, Турсунбой Тожибоев, Салимахон Валиева, Қучқорбой Эргашев, Лолахон Ҳушмирзаева, Мавлудахон Ҳасанова ва бошқа кўп кишилар серунум ишладилар.

Шу кунларда меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ҳеч бўшашмаётир. Область меҳнаткашлари етиштирилган бутун ҳосилни теріб олиб, тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йилида Ватанга Андижон областининг 600 минг тонна пахтасини берамиз, деб зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажаришга маҳкам бел боғлаганлар.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Сирдарё областининг пахтакорлари партия XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилаётган Бутуниттифоқ мусобақасини кенг авж олдириб, давлатга пахта топшириш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 15 октябрда бажардилар.

Ватанга 458 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Бутун пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Мирзачўл, Дўстлик, Жиззах, Пахтакор, Октябрь, Оқ олтин районларидаги хўжаликлар планларни муддатидан аввал бажариб, ҳозир социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Областнинг шонли механизаторлари планнинг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Қарийб 400 минг тонна ёки бутун топширилган пахтанинг 87 процента «Зангори кема»ларнинг бункерларидан тўкилди.

Далаларда беш мингдан кўпроқ пахта териш машиналари ишлаб турди, бу машиналарда ўрта ҳисобда 80 тоннадан пахта терилди. Мирзачўл, Дўстлик, Пахтакор, Октябрь ва Оқ олтин районларининг, Сегизбоев номли, Қ. Раҳимов номли, Ленин номли Саркисов номли, «Малик», У. Юсупов номли, С. Раҳимов номли, «Самарқанд», «Андижон», «Фарғона», «Правда», «Социализм», Титов номли совхозларнинг механизаторлари айниқса катта муваффақиятларга эришди. Улар топширилган бутун пахтанинг 95 процента ва бундан ҳам кўпроғини машиналарда теріб бердилар.

Ленин номли совхознинг механик-ҳайдовчиси Т. Дадажонов, Кичанов номли совхознинг механик-ҳайдовчиси А. Валиев, Ворошилов номли совхознинг механик-ҳайдовчиси А. Рустамова, «Правда» совхозининг механик-ҳайдовчиси Ф. Раҳмонқулов ва бошқа кўпгина механик-ҳайдовчилар фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли, КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукуматининг доимий ғамхўрлиги ҳамда катта ёрдами туфайли, партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органлари моҳирлик билан ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борганликлари туфайли пахтакорлар ана шу муваффақиятларга эришдилар. Қурилиш ташкилотлари ва саноат корхоналари область пахтакорларига катта оталик ёрдами кўрсатдилар.

Пахта теріш ва топшириш давом этмоқда.

РАПОРТЛАР ОҚИМИ

ЯНГИЙЎЛ

«КОММУНИЗМ» колхози райондагина эмас, областимизда, ҳатто республикамизда ҳам машъал хўжаликлардан. Бу колхоз аъзолари пахтадан йил сайин мўл ҳосил етиштириш билан бирга Тошкент навидаги уруғликини кўпайтиришда ҳам катта иш олиб бормоқдалар.

Хўжалик аъзолари 830 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта топширдилар. Давлатга 2660 тонна юқори сифатли пахта топширилиб халқ хўжалик плани 102 процент адо этилди. Уруғлик пахта тайёрлаш 110, машина билан пахта теріш 110 процент бажарилди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мадамин Марҳамов бошчилик қилаётган 5-бригада аъзолари 92 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 33 центнер ўрнига шу кунгача 40 центнердан пахта йиғиб олдилар. Улар ҳосилдорликни 51 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Турсунбой Эрматов, Махит Серикбоев, Турсун Нурхўжаев, Нурхўжа Эшонов, Қосим Ҳакимов, Икром Абдуллаев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар ҳар гектар ердан 32—37 центнердан пахта йиғиб олдилар.

Колхоз аъзолари шу кунларда далаларда фидокорона меҳнат қилиб пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш ва социалистик мажбуриятни Улуғ Октябрнинг 56 йиллик кунигача бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

ПИСКЕНТ

«ГУЛИСТОН» колхози аъзолари йиллик планни ошириб бажардилар. Давлатга 2885 тоннадан ортиқ пахта топширилди. Унинг 2200 тоннаси ўзи 80 процентдан кўпроғи машиналарда теріб олинди. Ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш, жами бўлиб она-Ватанга 3500 тонна пахта топшириш ниятида далаларда қизғин меҳнат қилинмоқда.

Фикри Бадалов, Исроилхон Ғуломов, Комилжон Алиев ўртоқлар бошчилик қилган бригадаларда шу кунгача гектаридан 35—37 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Бу бригадаларнинг азамат пахтакорлари ҳосилдорликни 40—45 центнерга етказиш юзасидан ўз зиммаларига конкрет мажбуриятлар олдилар.

ОҚҚЎРҒОН

ҲАМИД ОЛИМЖОН номли колхознинг азамат пахтакорлари, моҳир механизаторлари ҳар гектар ердан 31 центнердан пахта ҳосили олиб халқ хўжалик планини шараф билан бажардилар. Давлат омборига 2822 тоннадан зиёд биринчи сорт пахта топширилди. Унинг 2000 тоннаси машина билан терилди. Ҳар бир машинада эса ҳозиргача ўрта ҳисобда 117 тонналан пахта терилди.

Механик-ҳайдовчилардан Саидқул Холбоев ўз агрегати билан 180 тонна пахта теріб юқори кўрсаткичга эришди. Камол Амиршоев, Соат Мардиқулов, Омон Муротов, Турғунбой Олданов, Али Ҳаитбоев сингари механик-ҳайдовчилар 140—160 тоннадан пахта теріб хирмонга барака киритдилар.

ЎРТА ЧИРЧИҚ

«ПАРТИЯ XXII СЪЕЗДИ» колхози пахта йиғим-теримини пухта ташкил қилиб йиллик планни муддатидан илгари бажарди.

780 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 26 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Давлат хирмонига 2100 тонна пахта етказиб берилди. Шу ҳосилнинг 1600 тоннаси «зангори кема»лар ёрдамида теріб олинди.

— Планнинг қисқа муддат ичида бажарилишига колхознинг 40—50 центнерчи бригадалари айниқса катта ҳисса қўшдилар, — дейди колхоз раиси У. Абдуллаев. — бу бригадаларга Содиқ Ўлдошев, Иван Ким сингари ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Республика авиаторларига мукофотлар топширилди

15 октябрь куни Тошкентдаги Алишер Навоий номли театрда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг коллективига Меҳнат Қизил Байроқ ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Республика авиаторлари ҳаво транспортини ривожлантиришдаги катта муваффақиятлари, пассажирлар ташиш, халқ хўжалигида авиациядан фойдаланиш ва янги авиация техникасини ўзлаштириш планларини бажаришдаги катта-катта муваффақиятлари учун юксак мукофотга сазовор бўлган эдилар. Улар пассажир ва юк ташиш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтириб бормоқдалар. Масалан, улар ўтган тўққиз ой мобайнида бултурги йилнинг шу давридагига нисбатан 221 мингта кўпроқ пассажир ташиндилар. Авиаторлар деҳқонларнинг яхши ёрдамчилари бўлиб қолдилар. Бошқарманинг қишлоқ хўжалик авиацияси шу йилнинг ўзидаёқ 4 миллион гектардан зиёд пахтазор, галлазор, боғ ва яйловларга ишлов берди.

Бошқарманинг энг яхши кишилари, партия, совети ва жамоат ташкилотларининг вакиллари театр залига йиғилдилар.

Йиғилишда чет эллик меҳмонлар. ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг шу кенгаш доимий комиссияси ҳаво транспорти секциясининг 22-мажлисига келган делегациялари ҳозир бўлди.

Йиғилишни граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бошлиғи А. И. Ғозиназаров очди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюросини Фахрий Президиумга яқдиллик билан сайладилар.

Граждан авиацияси министри Б. П. Бугаев Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасини Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг фармонини ўқиб эшиттирди. У СССР Олий Совети Президиумининг топширигига биноан йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида орденни бошқарманинг байроғига тақиб қўйди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан республика авиаторларига ёзилган табрикномани ўқиб эшиттирди.

Термиз авиа корхонасининг командири Х. Р. Дадабоев, Тошкент авиация корхонасининг борт проводниги М. Мажидова, «Ил-18» кемасининг командири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Дронов юксак мукофот учун миннатдорчилик сўзларини изҳор қилдилар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ОҚҚЎРҒОН ВА ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бу йил она-Ватанга бир юз ўн минг тонна «оқ олтин»етказиб бериш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олган Оққўрғон районининг азамат пахтакорлари ажойиб меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар халқ хўжалик планида кўрсатилган 82 минг 700 тонна ўрнига 83 минг 610 тонна пахта топшириб, планни ошириб бажардилар. Машиналар билан пахта териш топшириш ўрнига 110,94 процент адо этилди. 68 минг 782 тонна пахта машиналарда терилди.

Районда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планининг шараф билан бажарилишида «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Коммунизм» совхозлари, «Москва», «Ленинобод», Ҳамид Олимжон номли ва бошқа хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Оққўрғонликлар йиғим-терим ишларини жадал давом эттириб етиштирилган барча ҳосилни сира нобуд қилмай тез фурсатда теріб давлатга топшириш учун мардонавор курашмоқдалар.

* * *

Оққўрғонликлардан кейин Юқори Чирчиқ район пахта далаларининг азамат механизаторлари, пахтакорлари маррага етиб келдилар. Улар бу йил йиғим-терим ишларини зўр уюшқоқлик билан олиб бордилар. Она-Ватан Юқори Чирчиқ район пахтакорларидан халқ хўжалик планида кўрсатилган 24 минг 500 ўрнига 26 минг 616 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олди. Бу пахтанинг 20 минг 268 тоннаси машиналарда терилиб, бу соҳадаги план анча ошириб адо этилди. Ғалаба рапортига октябрнинг биринчи ўн кунлигида имзо чеккан илғор «Политотдел» колхози аъзолари мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШ ВА ТАЙЕРЛАШ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

	Биринчи стун — ўрилган майдон, иккинчи стун — шоли тайёрлаш.	
Юқори Чирчиқ	100,0	99,6
Янгийўл	94,3	63,9
Бўка	92,0	68,0
Оққўрғон	83,6	57,8
Ўрта Чирчиқ	82,8	67,8
Пискент	81,4	81,9
Оҳангарон	77,0	62,7
Бекобод	70,3	51,1
Чиноз	61,4	24,4
Область бўйича	80,2	60,5

РЕСПУБЛИКА САБЗАВОТКОРЛАРИ, ПОЛИЗКОРЛАРИ, БОҒБОНЛАРИ ВА СОҲИБКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезднинг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, мўл сабзавот, полиз, мева-резавор ва узум ҳосили етиштирдилар. Улар ҳосилни йиғиб олишни уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар ва давлатга сабзавот, қовун-тарвуз, хўл мева ва узум сотиш юзасидан беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йили учун олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 743 минг тонна сабзавот етказиб берилиб, план 107,2 процент, 408 минг тонна қовун-тарвуз етказиб берилиб, план 134,2 процент, 131,1 минг тонна мева ва резавор етказиб берилиб, план 120,3 процент, 212 минг тонна узум етказиб берилиб, план 106 процент бажарилди. Бу эса 1972 йилда тайёрланганига қараганда анча кўпдир.

Умумиттифоқ фондига маҳсулот етказиб бериш плани ошириб бажарилди. Мамлакатнинг шаҳарлари ва саноат марказларига 217 минг тонна сабзавот, 250,6 минг тонна қовун-тарвуз, 25 минг тонна хўл мева ва резаворлар ҳамда 22,4 минг тонна узум етказиб берилди.

Республиканинг деярли ҳамма областлари давлатга мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Давлатга 262 минг тонна маҳсулот сотган Тошкент, 133 минг тонна маҳсулот сотган Самарқанд, 74,8 минг тонна маҳсулот сотган Фарғона, 63,9 минг тонна маҳсулот сотган Андижон областларининг сабзавоткорлари планни бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Сирдарё областининг полизчилари 1973 йилда тайёрлов пунктларига 174 минг тонна қовун ва тарвуз етказиб бериб, планни 158,1 процент бажардилар. Самарқанд областининг хўжаликлари давлатга 67 минг тонна, Тошкент областининг хўжаликлари 54 минг тонна юқори сифатли узум сотдилар. Хоразм ва Сирдарё областларининг хўжаликлари хўл мева сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планини анча ошириб адо этдилар.

Калинин районидаги Ильич номли, «Ленин йўли», Бўстонлиқ районидаги «Ленинград», Жданов номли, Самарқанд районидаги Энгельс номли, М. Горький номли, «Москва», Наманган районидаги Тельман номли, Андижон районидаги Калинин номли, Охунбобоев районидаги Муқимий номли колхозлар, Тошкент областидаги «Партия XXI съезди», 1-«Оҳангарон», «Қорасув», Самарқанд областидаги «Овоще-виноградний» ва Калинин номли совхозлар мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга жуда кўп сабзавот ва бошқа маҳсулотлар сотдилар.

Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоздан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Яхшибоев, Калинин районидаги Ильич номли колхоздан С. Раҳимбердиев, «Москва» колхозидан С. Маҳмудов, «Ленин йўли» колхозидан Х. Умаров ўртоқлар бошлиқ ва бошқа кўпгина бригадалар ҳар гектар ердан 30—50 центнердан сабзавот олдилар.

«Қуйи Чирчиқ», «Яккабоғ», «Қибрай», «Ширин», «Пастдарғом», У. Юсупов номли, «Партия XXIII съезди», «Дўрмон», Мичурин номли богдорчилик-узумчилик совхозларининг коллективлари давлатга мева, узум топшириш ва уни умумиттифоқ фондига етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Республика матлубот кооперацияси ходимлари ҳам яхши ишлашди. Улар планга қўшимча равишда 115,4 минг тонна сабзавот, 118 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 7,3 минг тонна мева тайёрладилар.

Давлатга сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум сотиш давом этмоқда.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳосилни йиғиб олиш устида фидокорона меҳнат қилмоқдалар ва 1974 йилда маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратмоқдалар.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 15 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Халқ хўжалик планига нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — бир кунлик ўсиш, иккинчи стун — мавсум бошидан бери, учинчи стун — шу жумладан машина терими — бир кунлик ўсиш, тўртинчи стун — мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	2,45	101,10	2,74	110,94
Юқори Чирчиқ	2,24	100,47	1,40	106,67
Бекобод	2,61	90,80	3,09	101,14
Пискент	1,97	90,64	1,93	92,11
Бўка	2,55	87,22	2,96	92,34
Ўрта Чирчиқ	2,08	83,88	1,64	96,95
Чиноз	2,30	83,34	3,95	93,72
Янгийўл	2,26	82,17	3,22	87,56
Область бўйича	2,34	90,65	2,57	99,95

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механик-ҳайдовчиси А. Сулаймоновнинг терган пахтаси ҳозиргача 150 тоннадан ошди.

Суратда: А. Сулаймонов.

А. Абалян фотоси.

ЕЛЕНА СТАСОВА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ЛЕНИН ГВАРДИЯСИНИНГ ЖАНГЧИСИ

Елена Дмитриевна Стасова... Коммунистик партиянинг энг кекса аъзоларидан бири, В. И. Ленининг яқин сафдоши. Унинг бутун жўшқин ҳаети ва фаолияти коммунистик келажак учун курашнинг порлоқ намунасидир.

Е. Д. Стасова бундан 100 йил муқаддам Петербургда дворян оиласида туғилди. Отаси Дмитрий Васильевич Стасов ўша вақтда илғор фикрли адвокат эди. У буюк революционер-демократ А. И. Герцен билан шахсан таниш бўлиб, унинг ҳамда Н. Г. Чернишевскийнинг асарларини гоят қадрларди. Елена Дмитриевнанинг амакиси Владимир Васильевич Стасов эса машҳур тақидчи, «санъатдаги Белинский» эди.

Ана шундай прогрессив фикрли оилада тарбия кўрган Елена Стасова 13 ёшда қизлар гимназиясининг 5-синфига қабул қилинади. Бу вақтга келиб, у француз ва немис тилларини аъло даражада биларди. Елена гимназияда ўқиган йиллари народникларнинг атоқли раҳбарлари ёзган асарларни ўқиб, улар таъсирига берилади. Народниклар тўгарагида аъзо бўлиб, қишлоқлардаги агитация ишларида фаол қатнашади. 20 ёшидан якшанбалик-кечки мактабда дарс бера бошлайди ва айни чоғда ўз ўқувчилари — ишчи аёллар ҳаёти билан танишади.

Орадан кўп ўтмай у РСДРПнинг маҳаллий ташкилотига ҳам ёрдам бериб, партиянинг махфий ташкилий ишларида қатнаша бошлайди. «Ана шу давр-дан бошлаб мен ўзимни партия аъзоси, деб ҳисоблаб келаман», — деб ёзган эди, Елена Дмитриевна кейинчалик.

«Ишчилар синфи озодлиги учун кураш союзи»га аъзо бўлган Е. Стасова тез орада В. И. Ленин ташкил этган «Искра» газетасининг фаол агентларидан бирига айланади.

Елена Стасова бора-бора нолегал партиявий ишнинг бутун қирраларини пухта билган, бу ишни аъло даражада бажарадиган профессионал инқилобчилар сафидан ўрин олди. У партиянинг Петербург комитети ихтиёрида бўлган жаъми революцион адабиётларни махфий сақлаш, қабул қилиш ва тарқатишни уюштириш ишларига бошчилик қиларди. Унинг раҳбарлигида яширин босмахоналарда жанговар варақалар чиқариларди ва бутун пойтахт ишчилари орасида кенг тарқатиларди.

«Чет элдаги искрачилар маркази, яъни В. И. Ленин ва Н. К. Крупская билан ёзишмалар ҳам котиб сифатида менга юклатилган эди, — деб ёзади Е. Д. Стасова ўз хотираларида. — «Искра»нинг Россия билан бутун алоқаси Надежда Константиновна орқали эди... Владимир Ильич билан мен хат орқали 900 йилларда танишдим. Унинг хатлари бизда ажойиб таассурот қолдирарди. Владимир Ильич ва Надежда Константиновнанинг Петербург комитети номига йўллаган хатларини очиб, расшифровка қилиб ўқиганимда нақадар ҳаяжонланганларим ҳанузгача ёдимда қолган».

1904 йил бошларида Елена Дмитриевна партия Марказий Комитети ихтиёрига чақирилади. Шу йил апрель ойида Москвага келиб, бу ерда В. И. Ленининг сафдошлари Н. Э. Бауман, П. А. Красиков, Ф. В. Ленгнинг билан танишди. Аммо улар қамоққа олинганидан кўп вақт ўтмай Е. Д. Стасова ҳам Тагань турмасига ташланади. Ўшанинг йил ноябрь ойида эркинликка чиқибоқ, у яна нолегал партиявий ишларга бошқ билан шўнгиб кетади. РСДРП Петербург ташкилотида котиблик ишини давом эттиради.

1905 йил бошланди. Машъум қонли (9 январь) якшанба воқеаларидан сўнг Е. Д. Стасова Женевага жўнади. Унга партия Марказий Комитетининг барча техникавий ишларини бошқариш вазифаси юклатилди. Бу ерда у Владимир Ильич билан шахсан танишди ва унга Петербургдаги аҳвол, бу ердаги партия ташкилотларининг ишлари ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди.

Россиядаги революция бўрони тобора авжига минарди. Владимир Ильич революцион курашда бевосита иштирок этиш учун ўз сафдошлари билан бирга ликда Россияга жўнади. Е. Д. Стасова эса Женевада маълум муддат қолиб, партиявий топшириқларини бажарди.

Орадан бир ой ўтмасданоқ у Финляндияга келди ва бу ерда партиянинг чет эл билан алоқасини уюштириш ишларини давом эттирди. РСДРПнинг навбатдаги съездини ташкил қилишда қатнашди. Рус революциясининг ўша суронли йилларида Елена Дмитриевнанинг катта ташкилотчилик қобилияти тўла намоён бўлди. 1907 йил баҳорида ўпка сили билан оғриб қолиб, Тифлисга келганида ҳам у яширин партиявий ишни аввалгидек гайрат билан давом эттирди. Партиянинг Тифлисдаги ташкилотида агитатор ва пропагандистлик қилди. Темир йўл ишчилари тўгарагини бошқарди.

1912 йил январида РСДРПнинг Прага конференциясида Е. Д. Стасова Марказий Комитетининг рус бюросига аъзо қилиб сайланди.

Ўша йил ёзида эса у қамоққа олиниб, Тифлис губерния турмасига ташланди, суд қилингач, Енисей губернясига сургунга юборилди. Орадан икки йилдан кўпроқ вақт ўтгач, уни Минусинск уездига сургунга жўнатишди.

...1916 йил кузида оғир касаллиги туфайли узоқ Сибирь сургунидан Петроградга вақтинча қайтиб келган Е. Д. Стасова дарҳол Швейцарияда яшаб турган В. И. Ленин ва Н. К. Крупскаяга хат ёзиб, улар билан яна алоқа тиклашга киришди. 1917 йил февраль революциясини ҳам у пойтахтда кутиб олди. Энди у Россияга қайтиб келган доҳий В. И. Ленин ва унинг жанговар сафдошлари етакчилигида қуролли қўзғолонни тайёрлаш ва уни амалга оширишдек буюк тарихий ишни ташкил этишга бутун куч-ғайратини сарфлади. Марказий Комитет аъзолигига кандидат сифатида унинг барча ташкилий ишларида фаол қатнашди.

«...Октябрга тайёргарлик кунларида ва Октябрь революциясининг бутун жараёнида,—деб ёзган эди Елена Дмитриевна кейинчалик, — партиянинг ишларида менинг шахсан иштироким қанчалик муҳим бўлганлигига ўзим баҳо бераолмайман. Фақат **шуни айтишим мумкинки,** мен ўзимга юклатилган ишларни, ўз большевистик бурчимни иложи борича яхшироқ бажариш учун, пролетариатнинг ҳокимиятни эгаллашида ва Ленин ишининг муваффақиятини таъминлашда ёрдам бериш, капитализмнинг зулмат дунёсини енгиб порлоқ келажак — коммунизмга йўл очишдек энг катта орзумиз амалга ошиши учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим».

Оташин революционер Елена Дмитриевна Стасова Октябрь революциясидан кейин партия Марказий Комитети аъзоси сифатида Владимир Ильич билан бирга ишлашган пайтида ҳам, кейинчалик эса Коминтерн ишида фаол қатнашган даврида ҳам, революция курашчиларига ёрдам берувчи Халқаро ташкилот раҳбарларидан бири бўлган йилларда ҳам — то умрининг сўнгги дамларигача ана шу қасамёдига содиқ қолди.

Ажойиб инсон, собитқадам революционер, толмас курашчи Е. Д. Стасованинг улкан хизматлари юксак қадрланди. Унга уч марта Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган эди. Унинг номини шонли Ленин гвардияси жангчиларининг номи қаторида ҳамиша чексиз ҳурмат билан тилга оламиз.

Илҳом СУЛТОНОВ.

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз сабзавоткорлари шаҳарликларга кўплаб сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Хўжалик аъзолари шу кунларда кечки карамни пешма-пеш узиб, шаҳарликларга тортиқ қилишмоқда. Акром Одилов бошчилик қилаётган 3-бригаданинг Тоҳир Туробов звеноси аъзолари ҳар гектар ердан 21 тоннадан карам топшириб, планни ошириб бажардилар. Бу ишда Қумри Каримова, Жўра Айҳамова ва бошқа сабзавоткорлар бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Звено аъзолари ҳосилдорликни гектар бошига 25 тоннага етказишга аҳд қилишган.

Колхоз чорвадорлари сут булоғини кўпайтиришда ҳам яхши тадбирларни амалга оширишяпти. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут ўтган йилдаги кўрсаткичга қараганда бу йил 550—700 литрданга ошиши мўлжалланмоқда. 200 бош қора мол сиғадиган янги типовой молхона қурилмоқда. Хўжалик гўшт, тухум топшириш планларини барвақт ошириб бажарди.

Жалил Абдураҳмонов бошқараётган боғдорчилик бригадаси ҳам мўл ҳосил кўтарди. Белгиланган 80 тонна ўрнига 105 тонна мева топширилди.

Хўжалик сабзавоткорлари ўзаро мусобақани қизитиб, йиллик планни бажариш учун қизғин меҳнат қилмоқдалар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратда: Т. Туробов ва Қ. Каримова.

А. Абалян фотоси.

Янги ихтисосликлар

Кўприк ва тоннеллар қурилиши ўзига хос ихтисосликни талаб этади. Тошкент автомобиль йўллари институтида бу хил касб эгалари тайёрлашни янада яхшилаш тадбирлари кўрилди.

Айрим группалар бу ихтисослик бўйича малака ҳосил қилишга мослаштирилди. Олий ўқув юртида, шунингдек машинасозлик, тўқимачилик инженерлиги мутахассислари тайёрлашга эътибор кучайди.

Кибернетика, полиграфия соҳалари билан боғлиқ машғулотлар ҳам жуда қизиқарли олиб борилмоқда.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

ТАСС БАЁНОТИ

12 октябрда Исроилнинг ракетали катерлари Суриянинг Тартус портини ўққа тутиши натижасида совет савдо кемаси — «Илья Мечников» ғарқ қилинди. Бу кема 5 октябрь куни Фрот дарёсида қурилаётган гидроэнергетика комплекси учун керакли асбоб-ускуналарни шу портга олиб келган эди.

9 октябрда Исроил самолётлари Дамашқнинг ҳеч қандай ҳарбий объектлар бўлмаган, чет давлатларнинг ваколатхоналаригина жойлашган районларидан бириданги совет маданият марказига бомбалар ташлади. Шу бинода бўлган совет ва суриялик гражданлардан бир неча киши қурбон бўлди.

Дамашқ, Хомс, Латакияга Исроил авиацияси қарокчиларча ҳужумлар қилди, катта моддий зарар етказди, уй-жой кварталларини вайрон қилди, тинч аҳоли, шу жумладан аёллар ва болалар орасида кўп киши қурбон бўлди. Мисрда Порт-Саид ва Қоҳиранинг теварак-атрофлари бомбардимон қилинди.

Ана шуларнинг ҳаммаси Исроил ҳарбийлари ажал келтирувчи қуролни тинч аҳолига қарши, граждан объектларига қарши қаратганлигидан, ҳатто урушда қатнашмаётган давлатларнинг кемалари ва нуқул тинч муассасаларига ҳужум қилаётганлигидан далолат беради.

Сурия ва Миср шаҳарларига осмондан ҳужум қилиш давом эттирилаётган бўлсалар, улар ракеталари жазосиз қолади, деб ўйлаётган бўлсалар, улар каттиқ янглишадилар. Агрессия жазосиз қолиши мумкин эмас ва агрессор ўз қилмишлари учун шафқатсиз жавобгарликка тортилиши керак.

Совет халқи исроил қуролли кучлари граждан объектларини ва тинч аҳолини вахшиёна бомбардимон қилиб, ўққа тутаётганлигини кескин қоралайди. Исроил харбийларининг жиноятқорона ҳаракатларига, шу ҳаракатлар натижасида Сурия билан Миср ва Сурия совет гражданлари ҳам қурбон бўлаётганлигига бепарво қарай олмайди ва Сурия билан Мисрнинг тинч шаҳарларини бомбардимон қилиш дарҳол тўхтатилишини, Исроил халқаро ҳуқуқ нормаларига, шу жумладан кема қатнови эркинлиги хусусидаги нормаларга қаттиқ риоя этишини талаб қилади. Исроилнинг жиноятқорона ҳаракатлари давом эттирилиши Исроилнинг ўзи учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Совет Иттифоқи Исроил агрессиясини ва Исроил ўтказаётган зўравонлик ҳаракатларини тўхтатиш, Исроил оккупациячилари босиб олган араб территорияларини озод қилиш Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатишнинг асосидир, деб ҳисоблайди.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

БЕКОБОД. 2-«Далварзин» совхози далаларида йиғим-терим қизғин давом этмоқда. Ҳар бир бўлим ва бригадада социалистик мусобақа кенг авж олдирилган. А. Худойбердиев, Ғ. Маҳмудов, Ў. Бекмуродов каби юқори ҳосилли бригадаларда кун сайин кўп пахта топширилаётир. Б. Белолов, М. Файзиев, К. Худойназаров каби «заангори кема»лар тўла қувват билан ишламоқда. Айниқса Ленин орденли Э. Назаров бошлиқ участканинг механизаторлари теримда юксак кўрсаткичларга эришишяпти.

Т. УСМОНОВ,
Т. МАҲКАМОВ,
З. ЮСУПОВ.

* * *

ТУЙТЕПА. Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг 50 центнерчи Назим Мирзаев бошлиқ бригадасида пахта терими яхши ташкил этилган. Бригада пахта тайёрлаш йиллик планини бажарди.

А. Икромов номли колхознинг Жуман Абдиев бошлиқ бригадаси азаматлари ҳар гектар ердан 35 центнердан хирмон кўтариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ердаги М. Турдиқулов, С. Миносилов каби механик-ҳайдовчилар кунига 6—7 тоннадан пахта теришяпти. Д. Холмирзаев, П. Абдиева, Н. Хамраева каби чевар теримчилар эса 200 килограммдан пахта топширишяпти.

Ф. НИЕЗОВ,
У. ХАМИДОВ.

* * *

ЧИНОЗ. Карл Маркс номли колхозининг ёш коммунист Суннат Тошхўжаев бошлиқ бригада аъзолари теримда пешқадамлик қилишяпти. Бу ердаги кўп заршунослар 10 тоннадан ошириб пахта териш мажбуриятини олишган. А. Қаҳрамонова, Х. Файзиева, М. Убаева каби чеварлар кунига 180 килограммга етказиб пахта теришмоқда. Бригада кунига 5—6 процентдан пахта топширяпти.

С. РАИМОВ.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ҲИНДИСТОН ХАЛҚИ Л. И. БРЕЖНЕВ ВИЗИТИНИ ТАБРИКЛАМОҚДА

ДЕҲЛИ, 15 октябрь. (ТАСС). Маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон-Совет жамиятининг миллий кенгаши КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Ҳиндистонга қиладиган расмий дўстона визитини қизғин табриклаб баёнот эълон қилди.

«Биз, дейилади шу баёнотда, улуғ Совет Иттифоқининг атоқли раҳбари, Ҳиндистоннинг самимий, синалган дўсти Л. И. Брежнев визитини чин кўнгилдан табриклаймиз».

«Халқаро кескинликни юмшатмоқ учун, яъни тинчликни таъминламоқ учун Л. И. Брежнев қилаётган ҳаракатларни, — дейилади миллий кенгаш баёнотида, — барча қитъаларнинг халқлари қўллаб-қувватламоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Ҳиндистонга визити Жанубий Осиёда катта стабилликни таъминлашда, Осиёда тинчлик ва хавфсизлик кучларини мустаҳкамлашда, ҳеч шубҳасиз, муҳим роль ўйнайди».

«Л. И. Брежневнинг визити», — дейилади баёнотда, — СССР билан Ҳиндистон ўртасида ҳамма соҳалардаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини муваффақиятли ривожлантиришда яна бир муҳим босқич бўлади. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Ҳиндистон-Совет шартномаси 1971 йилнинг августида имзоланганлиги натижасида бу муносабатлар тағин ҳам юқори босқичга кўтарилди. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг визити ялпи тинчлик учун, мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши, социал адолат, миллий мустақиллик ва бутун инсониятнинг тараққиёти учун курашаётган кучларни уюштиришга ҳам ёрдам беради».

Баёнотнинг охирида айтилдики, миллий кенгаш «тинчлик вакилини қизғин, рўйхушлик билан кутиб олмоқ учун бир қанча тадбирларни планлаштириб қўйди. Бу тадбирлар мамлакатнинг барча тараққийпарвар ватанпарвар кучлари билан, Ҳиндистондаги барча демократик табақаларнинг вакиллари билан ҳамкорликда амалга оширилади».

БУХАРЕСТДА ХАЛҚАРО ВИСТАВКА

БУХАРЕСТ, 15 октябрь. (ТАСС). Руминия пойтахтида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати учун керакли машиналар ва ускуналарнинг «Этава-73» халқаро виставкаси очилди.

Виставкада 18 мамлакат, шу жумладан СССР, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Югославия Социалистик Федератив Республикаси қатнашмоқда.

«Агар ер юзида дўзах бор бўлгудек бўлса, у Карлстонвилледаги «Ўэстерн дип левелс» конидир», дейишмоқда бу ердаги ишчилар ҳаёти билан танишганлар. Кончилар суткасига оғир шароитларда ўн тўрт соатлаб ишлашга мажбур бўлишмоқда, жуда оз ҳақ олишмоқда. Улар яшаётган жой асирлар лагерини эслатади. Яқинда полициячилар намойиш уюштирган коҳчилардан ўч олиб, 12 кишини ҳалок этдилар ва 22 кишини яраладилар. «Тинчлик ўрнатилди», лекин бу ҳол қанча давом этади? Суратда: кончилар намойиш қурбони бўлган ҳамкасблари ҳақидаги хабарни ўқишмоқда.

Камера-пресс-ТАСС фотоси.

ЯҚИН ШАРҚДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

БАЙРУТ, 15 октябрь. (ТАСС). Ливан матбуоти Исроил агрессиясига қарши урушаётган Сурия халқининг маънавий руҳи баланд эканлигини уқтириб ўтади. «Орьян-жур» газетасининг Дамашқдаги мухбири Сурия армиясида интизом юксак эканлиги, тинч аҳоли орасида ҳеч қандай саросималик йўқлиги тўғрисида ёзади. Кишилардаги шак-шубҳасиз қатъият, ҳозирги жанг пайтидаги энг асосий хусусиятдир», деб уқтириб ўтади газета. Сурияликлар, деб таъкидлайди мухбир, ҳеч қачон ҳозиргидек якдил бўлган эмас.

ДАМАШҚ, 15 октябрь. (ТАСС). Сурия армиясининг бронетанк қисмлари ва артиллерияси кеча фронтнинг шимолий участкасида Исроилнинг олдинги қисмларига қаттиқ зарба бердилар. Душманнинг жонли кучига ва техникасига кўп талофат етказилди. Шу билан бир вақтда, дейилади Сурия ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида, Сурия ҳарбий ҳаво кучларининг бомбардимончи авиацияси Жўлан тепаликларининг шимолий қисмида Исроил қўшинларининг позицияларини бомбардимон қилди.

Бу жанглар давомида душман 50 га яқин танк йўқотди, унинг учта артиллерия батареяси яксон қилинди.

Фронтнинг марказий ва жанубий участкаларида Суриянинг бронетанк қисмлари душман позицияларига бир қанча зарбалар бердилар. Натижада душманнинг 15 танки ва танка қарши курашадиган бир неча тўпи яксон қилинди.

Бутун кун бўйи Суриянинг ҳарбий ҳаво кучлари Исроил қўшинлари тўпланаётган жойларга, шунингдек душманнинг яқинлашиб келаётган қўшин колонналарига зарба бериб турдилар.

Зенит артиллериясининг ўти билан душманнинг 3 та самолёти уриб туширилди.

КОҲИРА, 15 октябрь. (ТАСС). Миср қуроли кучлари олий қўмондонлигининг навбатдаги ахборотида айтилдики, кеча Миср ва Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари ўртасида бир неча марта ҳаво жанглари бўлди.

Нил дельтасининг шимолий қисми тепасида энг каттиқ ҳаво жанги бўлди. Бу жангда Исроилнинг 10 тача самолёти яксон қилинди. Миср ҳарбий ҳаво кучлари 3 та самолёт йўқотди.

Кеча бошқа районларда Миср ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари душманнинг 27 та самолётини ва иккита вертолётини уриб туширдилар. Шундай қилиб, душман кечаги жанглар натижасида 42 та самолёт ва 2 та вертолёт йўқотди.

АРАБ ХАЛҚЛАРИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Жаҳон жамоатчилиги Исроил босиб олган территорияларни озод этиш учун, Фаластин араб халқининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун жанг қилаётган араб халқларининг мардонавор кураши билан бирдамлик изҳор қилмоқда.

КОЛОМБО

Шри Ланка Республикасининг ташқи ва ички савдо министри Т. Б. Иллангартне бундай деди: Исроил зўравонлик билан босиб олган территорияларни араб мамлакатлари халқларига дарҳол қайтариб беришигина Яқин Шарқда мустаҳкам тинчликка эришиш учун реал асос бўлиши мумкин. У, Исроил ҳукмрон доираларининг араб мамлакатларига нисбатан олиб бораётган бўсқичилик сиёсатини қоралади.

БАЙРУТ

Ливан ички ишлар министри Баҳиж Тақиддин Сурия ички ишлар министри Али Заза билан суҳбатда бундай деди: «Ливан ўз ихтиёридаги моддий ва ҳарбий имкониятларни назарда тутиб ҳамда ўзи кечириб турган шароитни ҳисобга олган ҳолда ўз бурчини бажарди» — «Аланвар» газетасининг хабар беришича, министрлар арабларнинг Исроил агрессорларига қарши курашини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ливаннинг Сурияга берадиган ёрдами тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

БРЮССЕЛЬ

Бельгия Компартияси Сиёсий Бюроси эълон қилган баёнотда Яқин Шарқдаги воқеаларнинг ҳозирги ривожи учун ва унинг оқибатлари учун жавобгарлик Исроил ҳукумати зиммасида эканлигини уқтириб ўтади. Исроил ҳукумати ўз қўшинларини ўзи босиб олган территориялардан олиб кетишдан ва Фаластин халқининг қонуний ҳуқуқларини тан олишдан бош тортмоқда. Исроил ўз қўшинларини босиб олган араб ерларидан олиб кетган тақдирдагина Яқин Шарқ проблемасини реал ва мустаҳкам ҳал қилиш мумкин, деб таъкидланади баёнотда. Баёнот Бельгия ҳукуматини Яқин Шарқ проблемасини мана шу тариқа ҳал этишга кўмаклашишга чақиради.

ВАРШАВА

Африка, Осиё халқлари билан бирдамлик Польша комитети Исроил ҳукмрон доираларининг босқичилик сиёсатини кескин қоралади.

Озодлик ва мустақиллик учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига содиқ бўлган поляк халқи, дейилади комитетнинг баёнотида, ҳамиша араб давлатларининг ишончли дўсти бўлиб қолаверади.

УЛАН-БАТОР

Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Монголия комитети баёнот эълон қилди. У ўз баёнотида Исроилнинг Мисрга ва Сурияга қарши агрессив ҳаракатларини қаҳр-газаб билан қоралади. Баёнотда Монголия жамоатчилиги араб мамлакатлари халқларининг адолатли кураши билан ҳамиша бирдам эканлиги айтилган.

УЮШҚОҚЛИҚ БИЛАН

Бекобод районида 1974 йил газета-журналларга обуна бўлиш зўр уюшқоқлиқ билан олиб борилмоқда.

Обуна ишлари, айниқса, район ташкилотлари ва мактабларда тезкорлик билан давом этяпти. Район молия бўлими, пахта заводи, ремонт-механика заводи, «Узсельхозтехника» район бўлими, алоқа бўлими, машинй хизмат кўрсатиш комбинати, район ижроия комитети ва 21, 10, 43, 36, 35-мактабларда обуна ишлари яхши олиб борилаяпти.

«Союзпечать» агентлиги кўплаб нусхада обуна қабул қилаётир. Янги йил обунасини қизитиш йўлида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Р. ЮНУСАЛИЕВ.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Яқинда Йўлдош Охунбобоев номли республика ўзбек Давлат ёш томошабинлар театри болаларга янги спектакль тақдим этди. Бу спектакль олги кўринишдан иборат бўлиб, унда очарчилик йилларидаги бир онанинг икки фарзандини йўқотиб қўйиши; ўғлининг интернат хизматчиси қўлида, қизининг эса бир савдогар қўлида тарбияланиши тўғрисидаги воқеа қизиқарли тасвирлаб берилган.

Янги спектакль «Гунчалар» Зиннат Фатхулин қаламига мансуб бўлиб, театр коллективининг драматург юбилейига муносиб туҳфасидир.

М. РАҲИМОВА.



ВЕНГРИЯ НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

Пойтахтимизда шу йил 15 октябрдан 19 октябргача Венгрия экономикаси ва техникаси ютуқлари кўргазмаси бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Тошкентга бир группа венгер мутахассислари ташриф буюришди. Улар шу кунлар ичида 30 дан ортиқ докладлар ўқиб, Венгрия Халқ Республикасининг экономика фан ва техника соҳасида эришган ютуқлари ҳақида батафсил ҳикоя қиладилар.

Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Айниқса алюминий, автомобиль қисмлари ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқариш борасидаги алоқалар муҳим аҳамият касб этади. Шу кунга қадар СССР бу дўст мамлакатнинг саноат объектларига кўплаб йирик мосламалар ўрнатиб берди. Бу билан Венгрия Халқ Республикасини индустриалштиришга катта ҳисса қўшди. Дунай металлургия комбинати Тисса химия комбинати, Айкай заводи, ҳамда Дунай нефтни қайта ишлаш заводларига айниқса катта ёрдам кўрсатилди.

Куни кеча Тошкентда Венгрия экономикаси ва техникаси ютуқлари кўргазмаси очилиши муносабати билан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Венгрия Халқ Республикаси ташқи савдо министрлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ласло Эликаш сўзга чиқди.

— Тошкентда Венгрия экономикаси ва техникаси ютуқларининг кўргазмаси ташкил қилиниши, — деди у катта иқтисодий ҳам сиёсий аҳамиятга эга. Чиндан ҳам Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасидаги ўзаро дўстлик иқтисодий алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳозирги кунда Венгрия ўз маҳсулотларининг анчагина қисмини СССРга экспорт қилмоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимизга тракторлар, қудратли компрессорлар, кўтарма кранлар ҳамда тўқимачилик дастгоҳларини кўплаб жўнатмоқдалар. Энг муҳими Ўзбекистон «оқ олтин»и Венгрия тўқимачилик саноати учун асосий хом ашё ҳисобланади. Яқинда Венгрияга ҳал қилувчи йилнинг янги ҳосили жўнатилди. Айни пайтда серқуёш Ўзбекистоннинг турли бурчакларида Венгрия завод фабрикаларининг маркаси босилган телефон станциялари мунтазам суръатда ишлаб турибди. Шунингдек республика магазиналарида бизнинг пойафзал, трикотаж, радиотехника ва оптика ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотлар сотилмоқда. Йил сайин кўплаб экспорт қилинаётган автобусларимиз ҳам тошкентликларга маъқул бўлаётганлиги бизни ниҳоятда қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Совет Иттифоқи билан озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, биз 1966—1970 йиллар орасида Совет Иттифоқига ўнларча миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилдик. Мамлакатларимиз ўртасида 1971—1975 йилларга тузилган ўзаро шартномада уни янада кўпайтириш кўзда тутилган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ҳамда экономика фан ва техника соҳасидаги ютуқларимиз тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Бу ҳақдаги муваффақиятларимизни мутахассисларимиз докладлардан, ташкил қилинадиган кўргазмалардан ҳамда диафильмлардан батафсилроқ билиб олиш мумкин. Кўргазмага марҳамат қилинг, азиз тошкентликлар!

Конференция охирида венгриялик мутахассислар журналистларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Қ. МИРГИЕСОВ.

Суратда: «Билимлар уйи»да ташкил қилинган виставка залларининг бирида.

И. Глауберзон фотоси.

ТАЖРИБА ЎРГАТМОҚДАЛАР

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Тошкент шаҳар врачлар малакасини ошириш институти кўз касалликлари кафедрасининг, таклифига binoan москвалик тажрибали офтальмологлар пойтахтимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар Тошкентда кўз касалликларини даволовчи врачларга офтальмологиянинг актуал масалалари юзасидан лекциялар ўқиб, семинарлар олиб боришмоқда. Айни чоқда беморларни даволаш, уларга консультацияларг бериш билан ҳам шуғулланмоқдалар.

Москвалик врачлар Ўзбекистонда офтальмология хизматининг яхши йўлга қўйилганлиги, ўз соҳасининг моҳири бўлган кадрлар етишиб чиққанлигини мамнунлик билан таъкидлашди. Улар Тошкентда болаларнинг кўз касалликларини олдини олиш соҳасида айниқса диққатга сазовор ишлар амалга оширилганлигини, болалар стационарларидаги медицина хизматидан катта қониқиш ҳосил қилганликларини айтишди.

— Биз бу ерда трахома буткул тугатилганлигини кўриб турибмиз, шунинг учун курсантларга бу оғир хасталик ҳақида лекция ўқишнинг ҳожати қолмади, —дейди Ленин орденли врачлар малакасини ошириш Марказий институтининг кафедра мудири, профессор Н. Б. Шульпина. — Клиникаларингизнинг замонавий даволаш аппаратлари билан жиҳозланганлиги ҳам кишини қувонтиради.

Дарҳақиқат, яқинда Киевда бўлган офтальмологларнинг IV Бутуниттифоқ съездида намойиш қилинган аппаратларни Тошкент шифохонасида кўриш мумкин. Германия Демократик Республикасида ишланган бу «комбайн» кўз касалликларини аниқлашда врачларнинг жуда яқин ёрдамчиси бўла олади. У бемор кўзини ҳар томонлама мукаммал текшириш имконини берадиган жуда қулай аппаратдир. Иттифоқда биринчилар қатори профессор Маҳаммаджон Комилов бошлиқ клиникада врачлар ана шу «комбайн» билан ишлашга ўтдилар.

Тажрибали шифокорлар ўқиётган туркум лекциялар ва улар ўтказаётган семинарлар республикамизнинг ҳамма областларидан келган курсантлар учун қимматли бўлмоқда. Меҳмонлар бир ойлик цикл давомида Тошкентдан ташқари Қўқон, Наманган, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳам бориб, амалий ёрдам кўрсатиб келишни планлаштиришган.

С. МУСАЕВ.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИДА

ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТЛАР

ПЛАСТМАССА буюмлари комбинатининг ишчилари орасида мунтазам равишда турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Яқинда «Билим» жамиятининг аъзоси, тарих фанлари кандидати, доцент А. Анохин «Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини топшириш»га бағишланган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг сўзлаган нутқи тўғрисида» деган темада лекция ўқиди.

Шунингдек райондаги «Октябрь» совхозининг иккинчи бўлимида доцент Х. Хўжаназаров ўқиган лекция ҳам ана шу темага бағишланади.

«Билим» жамияти район бўлимининг ташаббуси билан яқинда лекторлар куни ўтказилди. Шу куни райондаги партия ва совет ходимларидан 50 киши корхона ва хўжаликларда бўлиб, юзга яқин лекция-суҳбат ўтказдилар.

САНОАТ МОЛЛАРИ МАГАЗИНИ

ЯҚИНДАН бошлаб Тошкент-Қўқон, Олмалиқ-Тўйтепа автомагистрали чорраҳасида янги саноат моллари магазини харидорларга хизмат қила бошлади. Магазиндан турли ассортиментдаги трикотаж, оёқ кийимлари газламалар харид қилиш мумкин.

Шунингдек, Қорахитой қишлоғида қурилган янги хўжалик моллари магазини ҳам яқин кунларда харидорларга хизмат қила бошлайди.

ХУРАНДАЛАР МАМНУН

СЕРГО номли совхозда 80 хўрандага мўлжалланган янги типдаги ошхона фойдаланишга топширилди. Ошхонада хўрандалар учун барча қулайликлар яратилган. Тайёрланаётган миллий таомлар хўжалик ишчи-хизматчиларига манзур бўлмоқда.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

МЕҲНАТКАШЛАР депутатлари Тўлов қишлоқ Совети ижроия комитети янги бинога кўчиб ўтиш олдида. 2-механизациялашган кўчма колоннанинг бинокорлари қуриб берган бу бинода мажлислар зали, бахт хонаси ва кутубхона бўлади.

Худи шу сингари маъмурий бино Қорахитой қишлоқ Советида ҳам қурилмоқда.

ПОЛЬШАГА САЁҲАТ

«ОКТЯБРЬ» совхозининг илғор пиллакори Самар Мадиёрова ва «Тошкент» от заводининг ипакчилик бригадаси бошлиғи Тошмат Эсонбоевлар қардош Польша Халқ Республикасига саёҳат қилиб қайтдилар. Саёҳат уларда катта таассурот қолдирди.

М. ҚАЮМОВ,
Т. ЖУМАНОВ.

ҲАР ТУРЛИ

ТИРИК КОНСЕРВАЛАР

АМАЗОНКА дарёсининг ёйилиб оқадиган жойларида тимсохнинг бир тури —тингаслар яшайди. Уларнинг узунлиги икки метргача бўлиб, оддий тимсохлардан ғўштининг сийлиги бўлиши билан ажралади.

Тингос— сувсиз ва овқатсиз уч ойгача ҳам яшай олади. Амазонка бўйларида яшовчи аҳоли тингосларни тутиб тирик ҳолда идишларга солиб сақлайдилар ва дум томонидан кесиб истеъмол қилиб борадилар.

«ФАҲМЛИ» ҚУШ

ҚАРҒА жуда ҳам «фаҳмли» қуш бўлиб, деярли ҳеч қачон уни алдаб бўлмайди. Овқат топишдаги мўғомбирлик, топқирлик ва чаққонлиги худди тулкига ўхшайди. Бошқаларнинг овқатини олиб қочиш ёки душмандан бекитилган ғўштни топишда қарға жуда катта усталик ишлатади. Масалан, тошбақа ва моллюскаларнинг мазали ғўштларини ейиш учун уларни ҳавога баланд кўтариб чиқиб, тош устига ташлаб юборади ва ғўштларини чиқариб олади.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телефильм. 18.55 — Телевизион қўғирчоқ театри. 19.25 — «АХБОРОТ». 19.40 — Концерт. 20.10 — Оламда нима гап? 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — «АХБОРОТ». 21.00 — Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. Беш йилликнинг учинчи йили. 22.50 — Мансур ҳақида қўшиқ (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.40 — ТОШКЕНТ. «Звездочка». 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Денгиз овчиси (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. «Азимут». 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ.

ТЕАТР

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16]Х да Майсаранинг иши, 17]Х да Бир актли балетлар: «Карменсюита», «Ойимқиз ва бозори».

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17]Х да Тошболта ошиқ, 18]Х да Ўжарлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16]Х да Трибунал, 17]Х да Беш кунлик куёв.

КИНО

Алиби учун ярим миллиард — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Саннинов ери — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16.00, 18.00, 21.30), «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Решма ва Шера — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, ҲАМЗА номли, Г. ҒУЛОМ номли, «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Иван Васильевич насбини ўзгартирмоқда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МИР», «ДРУЖБА», С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11.30, 12.00, 14.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (11.00, 14.00, 19.00, 21.45).

Мен — Шаповалов — «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Эриқлар — «СПУТНИК» (12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

РСФСР халқ артисти ВЕДЕНИКТ ҒЕЛЯКОВ раҳбарлигидаги ўримчоқда сакровчи акробатлар.

М. КОЛЯДИНСКИЙ раҳбарлигидаги Тошкент Давлат цирки эстрада оркестри.

Программани — режиссёр Б. ПОГОРЕЛОВ олиб боради.

Томошалар кеч соат 7 яримда бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари томошалар кундуз соат 12.15 минут ва кеч 7 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш касса-си ҳар куни соат 12 дан, шанба ва якшанба кунлари эрталаб соат 10 дан ишлайди.

Цирк яқинида «Экспресс», 1, 4, 19, 24, 25, 30, 42, 45, 52, 54, 74-автобусларнинг сўнгги бекатлари жойлашган.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИДА

16 ОКТЯБРЬДАН 31 ОКТЯБРГАЧА

ОШХОНА, ВАННА, БОҒ ВА ТУРИЗМ ЎЧУН ПЛАСТМАССАДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЧИРОЙЛИ ПИШИҚ, ЕНГИЛ ГИГИЕНА БУЮМЛАРИНИНГ

БУТУНИТТИФОҚ САВДО-КЎРГАЗМАСИ УТКАЗИЛАДИ

САВДО КЎРГАЗМАСИДА Совет Иттифоқининг 22 заводи ўзининг аъло сифатли буюмларини намойиш қилади.

Савдо кўргазмаси СССР Химия саноатининг «СОЮЗХИМПЛАСТ» Бутуниттифоқ бирлашмаси ва СССР Савдо Министрлигининг «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмаси ташкил қилган.

● СПОРТ ●

ЕШЛАР ЎРТАСИДА БОКСДАН СССР КУБОГИ УЧУН

МУКОФОТ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОЛДИ

«Ешлик» спорт манежида қурилган ринг атрофи ҳар қачонгидан гавжум. Пойтахтимиз бокс мухлисларининг омади келди. Улар келгуси олимпиада терма командаси ёш вомзодларининг курашларини кўриш шарафига муяссар бўлдилар.

Ўзбекистон ёш чарм қўлқоп усталари рингнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, бирин-кетин Москва, Арманистон, Латвия командалари устидан ғалабага эришиб, финалга чиқдилар.

Якшанба кун мукофотли ўринлар учун курашлар бўлди. Ўтган йилги СССР кубогининг эгаси Россия федерацияси боксчилари Арманистон вакилларини 18:15 ҳисобида мағлубиятга учратиб, учинчи ўринни олдилар.

Томошабинлар биринчи ва иккинчи ўринлар учун Ўзбекистон ва Украина ССР терма командалари бахсини сабрсизлик билан кутишарди. Финал «жанги»ни 48 килограммгача бўлган вазндаги Г. Муллаев билан А. Ткаченко бошлаб бердилар. Олимпиада чемпиони Бутуниттифоқ ва халқаро тонфадаги судья В. Енгибарян рингга чиқиб, учрашувга бошчилик қилади. Рақиблар биринчи дақиқалардаёқ тактик ва техник жиҳатдан етарли тажрибага эга эканликларини кўрсатишди. Ўзбекистон ССР чемпиони аста-секин устунликка эришиб, командага биринчи ғалабани келтирди. Энг енгил вазнда Украина вакили В. Бабуцкий билан Х. Усмонов ўртасидаги учрашув ҳам кескин ўтди. Тажрибали меҳмон дастлабки икки раундда ташаббус билан «жанг» қилди. Охирги раундда Х. Усмонов шиддатли ҳужумга ўтди, бироқ у етарлича очко жамғара олмади.

54 килограммгача бўлган вазн тонфасида андижонлик спартакчи Ф. Пак республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилди. Шу йил С. Жаксон хотираси учун бўлган мемориалнинг совриндори мастерликка номзод Пак украиналик спорт мастери Ю. Миндалев билан курашда маҳорат намунасини кўрсатди, ва Ўзбекистон командасини олдинга олиб чиқди. Навбатдаги жанглар Ўзбекистон боксчилари Э. Зиёмутдинов, С. Сергеев, А. Сааков, А. Грибовлар кетма-кет ғолиблик шоҳсупасига кутарилдилар. Биринчи урта, ярим оғир ва оғир вазнларда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Шундай қилиб, ҳисоб 18:15 бўлди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Б. Норкин ва Б. Гранаткин ўргоқлар бошлиқ республикамиз ёш боксчилари биринчи бор СССР кубогини қўлга киритдилар.

Ғолибларни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитети раисининг биринчи ўринбосари Е. Кульков, СССРнинг ўн марта чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери С. Шчербаков биринчи даражали диплом ва жетон билан табриклашди. Украина ССР коллективи иккинчи, РСФСР терма командаси учинчи даражали диплом ва жетон билан тақдирландилар. Биринчи ярим ўрта вазнли республикамиз боксчиси С. Сергеев «Ғалабага продаси учун» совринининг эгаси бўлди.

Б. ПУЛАТОВ.

СССР кубоги учун бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган учрашувларда олимпия чемпиони В. Енгибарян одилона судьялик қилиб, бокс мухлисларининг олқишига сазовор бўлди. У «Энг одил судья» деган соврин билан мукофотланди. Суратда: В. Енгибарян мусобақага судьялик қилмоқда.

Н. Муҳамаджонов фотоси.

ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБАСИ

Ўтган якшанба куни бўлган олий лига футбол коллективларининг учрашувлари пешқадамларнинг ғалабаси билан характерлидир. Донецк шаҳрида ўйнаган «Арарат» маҳаллий «Шахтёр» билан асосий вақт ичида 0:0 ҳисобида дуранг ўйнади. Пенальтига кўра арман футболчилари ютиб чиқишди. Киев динамочилари «Зенит» дарвозасига 2 та жавобсиз вақт киритиб, очколар сони жиҳатидан «Арарат»га етиб олдилар. Шу куни умуман «Динамо» коллективларининг омади келди. Москваликлар Днепропетровскда, тбилисиликлар эса Ростов-Дон шаҳрида ўз рақибларини мағлубиятга учратдилар. Ҳар иккала учрашувда ҳам 3:2 ҳисоби қайд қилинди. Учта ўйин бир хил 1:0 ҳисобида майдон эгаларининг ютуғи билан тугади. Чунончи, «Заря» ЦСКАни, «Карпати» «Торпедо»ни Минск «Динамочилари» «Қайрат»ни шундай ҳисобда енгдилар.

«Пахтакор» сафардаги охирги учрашувни пойтахтда, Лужникидаги В. И. Ленин номли стадионда ўтказди. Совуқ ва қорда тошкентликларнинг омади келмади. Бунинг устига команда капитани Абдуранмов илгаригн учрашувда огоҳлантириш олгани учун ўйинда қатнашмади. «Спартак»чилардан Пискарев, Минаев ва Бульгаков (иккн марта) Покотилов дарвозасига тўп киритиб, 4:0 ҳисобида ўз коллективининг катта ютуғини таъминладилар.

Командалар	У	Ю	М	Т	О
Арарат	27	18	9	46—23	33
Динамо К.	27	18	9	43—23	33
Динамо М.	27	18	9	39—29	29
Заря	27	14	13	35—22	27
Спартак	27	15	12	35—27	27
Динамо Тб	27	16	11	38—31	27
Шахтёр	27	15	12	27—24	27
ЦСКА	27	15	12	31—31	25
Днепр	27	16	11	34—37	24
Қайрат	27	15	12	23—35	23
Зенит	27	11	16	30—27	19
Пахтакор	27	10	17	31—41	18
Карпати	27	10	17	27—47	17
Торпедо	27	8	19	26—34	16
Динамо Мн	27	9	18	18—33	15
СКА	27	8	19	19—38	11

Жадвалдан кўринадики, мавсумнинг охирги учрашувлари ниҳоятда ҳаяжонли ўтади. Ишқибозлар «Арарат» билан Киев динамочиларининг учрашувларини айниқса сабрсизлик билан кутардилар. «Арарат» ўз ўйида Минск динамочилари ва «Зенит»ни қабул қилиб, Москвада ЦСКА билан беллашиши керак. Киевликлар эса қолган учала ўйинни меҳмонда ўтказадилар. Уларнинг рақиблари «Карпати», «Пахтакор» ва «Қайрат» бўлади. Балки пешқадамларнинг очкоси тенг келиб қолгач, олтин медаль эгаси қўшимча матчда аниқланса ҳам ажаб эмас.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 838495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Масъул секретарь — 834808 пропаганда ва адабиёт, санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва нўрилиш бўлими — 833786. Партия турмуши ва ахборот, спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги ва фан мактаб, олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142. Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Индекс 64634. В. 1842. Р—02761.